

НОСИР МУҲАММАД

ШАЙТОННИНГ ИСТЕЪФОМАСИ

**(Ҳажвий шеърлар ва ҳикоялар, ҳаётий
латифалар, икир-фикрлар)**

“Ниҳол” нашриёти

ТОШКЕНТ – 2008

ШАЙТОННИНГ ИСТЕЪФОНОМАСИ

“Эй, Эгам, ер узра қирқ минг йил юрдим,
Истеъфога чикмоқ фурсати етди.
Кўзларим қорайди, ҳар нени кўрдим,
Таъна, маломатдан қулоғим битди.
Олам сарҳадлари кенгайган сари
Кичраярми одам,
Билмам,
Ҳар қалай,
Неча ўлкаларни кезиб сарсари,
Муносиб бир рақиб топмам, не қилай?
Эҳ, бир пайтлар имон устивор эди,
Қурашдан топардим ўзга завқ, хузур.
Ҳақ йўлдан чекинмоқ катта ор эди,
Менга бас келганлар кўксида ғурур...
Энди=чи... манфаат баридан устун,
Ҳеч кимса тортинмас ҳаром-ҳаришдан.
Номимни сотишар уялмай тун-кун,
Мудом мен бечора қолгум қарғишда.
Биттасининг нафси мисоли ўпқон,
Яшар миллионларни комига тортиб.
Барча қилғилукни қилар у нодон,
Гуноҳини шайтон юради ортиб.
Бошқаси кўз тикар ўзга молига,
Халқ мулкин кемирар мисоли сичқон.
Маймун йиғлар бўлса бир кун ҳолига,
Яна айбдор бўлар албатта шайтон.
Қай бир кимса бўлар ўз хирсига қул,
Зино қилар уйин унутиб бебош.
Пешонаси тошга теккан дамда ул,
“Шайтон йўлдан урди”, деб тўкар кўз ёш.
Риёкорлик сингди инсон қонига,
Бемалол яшарлар икки юз билан.
Кўз тикиб бошқалар молу жонига,
Қасам ҳам ичарлар нону туз билан.
Унутилди инсоф, адолат, шафқат,
Пулга топиндилар сен қолиб, Эгам.
Урф бўлди иғвою бўҳтон, разолат,
Бир-бирига душман авлоди Одам.
Мени қайтар яна Арши Аълога,
Эй, Холиқи олам, кечиргувчи зот.
Розиман дўзахда минг бир жазога,

Фақат шу азобдан бергил сен нажот.
Ўринбосар учун асло чекма ғам,
Гувоҳман шундайин ажиб замонга.
Одам фарзандлари мендан эмас кам,
Баъзиси дарс берар юзта шайтонга.
Хулласи, иблислик номидан кечдим,
Гарчи бу мансабдан кечишдай мушкул.
Энди мен лаънатлар ҳирқасин ечдим,
“Собиқ шайтон” дея қўяжакман қўл”.

ШОИР ДЎСТЛАРИМГА
Ҳазил

“Мен дунёга олма бўлиб келаман бир кун!”
Саъдулла Аҳмад

Эх, шоир дўстларим,
Хаёл отида
Лаҳзада оламни кезиб чиқасиз.
Гоҳида наҳангга айланиб олиб,
Баҳру уммонларни сузиб чиқасиз.

Гоҳида чинорсиз, гоҳида заранг,
Ардоқлайсиз танҳо ўз ерингизни.
Баъзан хўроз бўлиб, баъзан ғоз бўлиб,
Роса чўқилайсиз бир-бирингизни.

Албатта, одамлик осон иш эмас,
Бош оғриғи кўпдир, ташвишлари кўп.
Дўстлар кўз мисоли ардоқласа ҳам,
Кимдир шай туради ташламоққа чўп.

Гоҳида ошиғинг олчи турганда,
Тирикликни ажиб бир неъмат дейсан.
Аммо бўҳтонлардан чиқмаса бошинг,
Одам бўлганингга пушаймон ейсан.

Таъбинг хира айлар қайсидир тўра,
Қаламингга пинҳон каманд ташлайди.
Турмуш зарбалари тушар устма-уст,
Хаста юрагингни баттар ғашлайди.

Хаёт деганлари мисли тарозу
Пасту баланд бўлиб турланиб турар.
Омад агар бугун бир кулиб боқса,
Эртага эҳтимол сендан юз бурар.

Осонмас барига бермоқлик бардош,
Одамийлик илми азал муаммо.
Турфа қиёфага кирмоқ чўт эмас,
Инсон бўлиб қолмоқ мушкулдир аммо.

Гарчи соз гоҳида бўлмоқ дов-дарахт,
Қушларга айланиб этмоқлик парвоз.
Асл қиёфангиз унутманг ҳеч вақт,
Кўпроқ одам бўлинг, дўстлар, илтимос.

НОМ ВА ШЕЪР

У бошловчи шоир бўлиб юрган пайтлари,
Неки ёзса, ҳамроҳ эди илҳом, муҳаббат.
Меҳр билан ўқирдилар унинг байтларин,
Шеър тагида турар эди номи омонат.

Бугун эса у ҳаммага таниқли шоир,
Энг тепада соябондай номи ҳам,
Фақат –
Энди ўша номнигина ўқишар доим,
Шеъри эса пастда турар ғариб,
Омонат.

* * *

Навқирон ёшда у,
Ҳар нега қодир,
Ишу ташвишлардан
Лек очсангиз гап –
Беозор жилмайиб,
Дер: “шартми ҳозир,
Ҳали ёшмиз, ака,
Қолайлик ўйнаб”.

Бир кун сочларига
Қўнганда қиров,
Айшу ишрат қаддин
Букса қаридек,
Дейди, гап очсангиз
Ишлардан бирров:
“Замон ёшларники,
Бизлар қаридик”.

БЕВАҚТ МАНСАБ...

Уни ҳамма билар эди:
Содда, улфат.
Ёру дўстга кўп меҳрибон,
Шунинг учун –
Дўстлари ҳам этишарди
Иззат - ҳурмат...
Юксак мансаб насиб этди
Унга бир кун.

Энди эса таниб бўлмас,
Бурни кўкда.
Гўё сезмас ҳеч кимсани,
Қолган кўздан.
Дўстлари дер
Уни кўрса кўча – кўйда:
“Бевақт мансаб олиб кетди
Орамиздан...”

БИР ГЎЗАЛГА

Хуснингиз таърифи китобларда йўқ,
Мукамал яратмиш сизни табиат.
Дилларни ёқасиз мисли лаҳча чўғ,
Кўрганни лол қилур сарвдек қомат.

Табассум аримас ол юзингиздан,
Кўзингиз олдида оҳулар бекор.
Бир-бир айтиб нетай,
хулласи сизда
Вафо, садоқатдан ўзга
бари бор.

ЧУМЧУҚЧА
/Масал/

Ўрмонда кўз очди
Бир жўжачумчуқ.
Атрофида қушлар
Учиб - кўнарди.
Унда эса патдан
Нишона ҳам йўқ,
Пастга қараганда
Кўзи тинарди.
Аммо бир нарсадан
У эди мағрур:
Насли насаби зўр,
Ҳам эмас якка.
Хешу ақраболар
Кўмакка ҳозир,
Қарқуноқ – аммаси,
Тоғаси – ҳакка.
Кўнгли тусаб қолди
Этмоқни парвоз:
“Лочин менга етсин,
Қани, кўрайин...”
Қанот қурғур ҳали
Эмасди кўп соз,
Қайтиб тушаверди
Учгани сайин.
Тезда дўст – ёронлар етишиб,
Бири ёндан,
Бири олдиндан,
Бири думдан учди суяшиб.
Аммо ўзга юки
Барибир оғир...
Пашшаларни қувиб
Кетишди улар
Чарчаб, ҳолдан тойиб
Қолишгач охир.
Чумчуқчамиз эса
Тош каби қулар.

Қиссанинг ҳиссаси
Равшан-ку шундоқ:
Ўзга қанотида
Кетмассан узоқ.

ҚУШЛАР БАҲСИ

/Масал/

Бир кун тўпландилар кушлар ўрмонда,
Ҳаёт ҳақида баҳс – суҳбат қурмоққа.
Шунда раис – бургут виқор - ла туриб,
Тумшуғин гоҳ уён, гоҳ бу ён буриб,
Деди:

- Бугунги баҳс дўстона, ҳалол,
Ҳар ким ўз фикрини айтсин бемалол.
Булбулжонга берсак биринчи сўзни,
Қолганлар курашга шайласин ўзни...
Булбулвой бошлади нутқин шу заҳот:
- О, нақадар гўзалдир ҳаёт!
Боғлар кучоғида сайрамак кўп соз,
Гуллар рақсга тушар чалганингда соз.
Ҳаёт менинг учун яшнаган бўстон,
Умринг мазмуни – куйламоқ шодон.
Бахтиёр дамларда ташвиш на ҳожат,
У умр саройин айлағай ғорат.
Шу сабаб шиорим қувнаб яшамоқ,
Токи ғам-ташвишдан бўлайин йироқ...
- Гарчи сафар доим бўлмас бехатар,-
Гап бошлади Лайлак ўртага чиқиб.-
- Берар албат бир кун фойдали самар.
Умримни қўйганман шу йўлга тикиб.
Ҳаёт – сафарлардан иборат;
Қайда иссиқ бўлса – шу менга Ватан.
Бир жойда қолмоққа йўқ менда тоқат,
Юртлардан юртларга учаман...
Шундан сўнг қарғаю, читтак, зағизғон,
Бирма – бир ўйларин қилдилар баён.
Сўнг дамда қавақдан янгради овоз:
- Фикримни айтайин, тинглангиз бир оз.
Мен ҳам уруғингиз – кўршапалакман,
Турмуш ташвишида чопиб, ҳалакман.
Тортишув, баҳсингиз барин тингладим,
Фикру ўйларингиз англадим.
Ростин айтсам, баҳсга арзимас
Ҳаётимиз,
Турмуш тарзимиз.
Менинг ўз тажрибам бунинг-чун исбот:
Қоп- қора зулматдан иборат ҳаёт...
Ўртага отилди лочин ногаҳон,

Кўршапалак гапи қизитганди қон:
- Кимгаки ёт бўлса агарда зиё,
У ўз қавагини англагай дунё.
Яшамоқ завқи не,
Билар не ҳаёт,
Мовий кенгликларга уролган қанот.
Мен учун чўлу тоғ - ягона Ватан,
Уларсиз керакмас менга ҳеч чаман...
Шу кун қушлар баҳси қизиди роса,
Айтилди кўп фикр, турли хулоса...

Ҳаёт оқишида этади давом,
Баҳсу тортишувлар билмагай тиним.
Аммо қадим ҳикмат кучида тамом:
“Ўз аршини билан ўлчайди ҳар ким”.

АГАР ЁШИМ СЎРСАЛАР...

Болаликда улғайишни ким қилмас ҳавас,
Шу орзуда не хаёллар келган бошимга.
“Ҳали ёшсан” демасинлар учун,
сир эмас,
Уч – тўрт ёшни қўшиб айтар эдим ёшимга.

Бугун эса ташлаб борар мени ёшлигим,
Этагидан тутмоқликнинг йўли йўқ, нетай.
Гўзалларнинг даврасида ёшим сўрса ким,
Уч-тўрт ёшни камайтириб айтаман атай.

СОҚОЛ

Дўстларим, арзимни тингланг, айлади безор соқол,
Сотгай эрдим бир харидор, бўлса ё бозор, соқол.

Дердиларки, тез ўсарда бамбук эрмиш бемисол,
Лекин ундан ўн баробар тез ўсар беор соқол.

Иш тиғиз вақтида бу ҳам бошга битган бир бало,
Тунлари ёстиғни тирнаб, айлагай бедор соқол.

Учрашувга шошганигда гоҳида қиртишламай,
Тиғ каби ёр юзларига етказар озор соқол.

Жонга тегди, устарога энди кўл урмай десам,
Кўрқаман, оғзим тополмай бўлмайин афгор, соқол.

Эй ука, кўзгуга боқма ҳар куни энгак силаб,
Ҳолу тинкангни қуритгай бўлса гар бисёр соқол.

ҚАЙСАР ХОТИН
/Адам Мицкевичдан/

Ўз-ўзин ўлдириш асримиз учун –
Оддий бир воқеа. Агарда биров –
Қирғоққа сайрга чиқса кун ё тун,
Уст-боши эскироқ ва ё бўлса кир,
Ташвишли кўринса ҳолати, дарров –
Дарё кўрикчиси бўлади ҳозир.
Чўкмоққа келган деб айлар хулоса.
Юракдан ачиниб, кўлидан ушлаб,
Кутқарар – турмага кетади бошлаб.

Бир кун кимдир оқимга терс, Сена

ёқалаб

Чопиб борар эди, шу дам тутди жандарм.
Расмий ажабланиш билан бир қийиқ қараб,
Деди: “Недур бу ҳолатга сабаб, жигарим”.
“Бахтсизлик, - деб қичқирди у, - ёрдам берингиз,
Сувга тушиб кетди, нетай, хотиним шу кез”.
Шунда жандарм берди унга ўринли савол:
“Гидравлика қонунини аввал билиб ол,
Чўккан одам оқим билан сурилар пастга.
Куйи томон чопиш лозим бўлгани тарзда
Оқимга терс чопмоқдасан, нечун, жавоб бер”.
“Хотинимнинг мижозини билмайсан, - дер эр,-
Ҳаётимиз тортишувдан иборат эди.
Мен не десам, у доимо аксини дерди.
Ҳатто жонсиз ҳолида ҳам, айтганда одил,
Оқимга терс сузишига ишончим комил”.

ЧҰЧҚА
(И. А.Криловдан)

Чұчқа бир кун хўжайиннинг ҳовлиси томон
Йўл олди-да ошхонаю отхонани ҳам –
Роса титди, гўнгу кулга чўмилди тамом,
Ҳар ўрага тумшуқ суқиб чиқди бир бошдан.
Меҳмонликдан қайтди оқшом, хириллаб пича,
Чұчқа эди, қолмиш яна чўчқалигича.
“Нималарни кўрдинг, қани айт, Хавроньяжон”,-
Чұчқабоқар сўрди ундан:
“Гап юрар зимдан,-
Хўжайиннинг бойликлари кўп эмиш чиндан,
Сандиқларда тўла эмиш марварид, маржон”.
Хавронья дер: “Эй, ишонманг, бари бекор гап,
Мен бойликдан кўрганим йўқ заррача нишон.
Кулу гўнгдан бошқа нарса топмадим излаб,
Томорқани қазиб чиқдим, бўлмади ҳеч наф”.

Мақсадиммас бировларнинг дилин оғритмоқ,
Аммо баъзи танқидчилар – Хавронья сифат.
Тўғри назар, одил фикр ундан кўп йирок,
Камчилигу айбларингни кўради фақат.

ШОИРНИНГ ИЛТИМОСИ
(Ҳайнрих Ҳайнедан)

Менга хотин бўлсанг гар, дилдор,
Сенга ҳамма қилажак ҳавас.
Бахт ва шодлик бўлар сенга ёр,
Аямайман пулни бир нафас.

Қарғасанг-да туражакман жим,
Қичқир, майли, қолурман майин.
Аммо шеърим мақтамасанг-чи,
Билиб қўйгил: ажралиш тайин.

ҲАЖВИЙ ПОРТРЕТЛАР

Эҳтиёткор

Шиори ҳар недан чўчиб яшамак,
Кўзга зарар дея боқмас зиёга.
Ногаҳон гумбурлаб кетса гулдурак,
Осмон тушмасми деб қарар самога.

Иккиюзламачи

Ҳаёт унинг учун гўё маскарад,
Икки юзли ниқоб кияди ҳар кун.
Асл башараси пинҳондир абад,
Ҳеч ким кўрган эмас уни бир бутун.

Цитатабоз

Ўзгалар сўзига суянар ҳар дам,
Бирор гап айтолмас усиз дафъатан.
Ҳаттоки ўзининг кимлигини ҳам,
Исботлар отасин сўзлари билан.

Бахил

Ҳатто фарзандига ҳам яхшилик кўрмас раво,
Ўзга ютуғин кўрса ошиб кетар совуғи.
Ухлаёлмас ўша тун, алам ичра чекиб оҳ,
Каттароқ тухум қилса қўшнисининг товуғи.

“Паришонхотир”

Гарчи хотирадан қилур шикоят,
Ҳар ишда унутмас ўз ҳиссасини.
Баъзан адаштириб қўяди фақат
Давлат кассасию, ўз киссасини.

Лаганбардор

Важоҳатидан от ҳуркса-да шаксиз,
“Суяксиз одам” деб ном олган Мели.
Бошлиқни мақташда тили суяксиз,
Эгилганда эса суяксиз бели.

Худбин

У ўзин ҳисоблар дунёда танҳо,
Бисотида мавжуд фақат бир сўз – “Мен”.
Гоҳо қийнар уни шундай муаммо:
Нега теграсидан айланмас замин?

Устамон

Игнадай тешиқдан кирар йўл топиб,
Анқо тухмини ҳам қилур муҳайё.
Кўзбойлоқчилар ҳам эша олмас ип,
Чап бериб кетар у ўлимга хатто.

Иғвогар

Таниқли “ёзғувчи” кўз юмда кеча,
Дастидан бўлганди кўп юраклар қон.
Гўрда ҳам тинч ётмас.
Мункарнакирдан
Худога шикоят ёзар бегумон.

Фирибгар

Босган изи бошқа, сўзи бошқадир
Ботини бўлакча, юзи бошқадир.
Сохта сумбатига ишонманг асло,
Қаршингизда сураат, ўзи бошқадир.

ОЛАМШУМУЛ КАШФИЁТ

Бу бахтсиз воқеа душанба куни кечкурун, айна “хайрли тун, кичкинтойлар” кўрсатуви давом этаётган бир пайтда рўй берди: туппа – тузук ишлаб турган телевизоримиз бирдан “лип” этдию ўчди – қолди. Биринчи бўлиб боғчага қатнайдиган ўғлим – Сарвар қичкириб юборди:

- Ада, тезроқ тузатинг, ҳозир мультфильмлар кўрсатишади.

Сарвар мультфильмлар ишқибози. Уларни кўравериш ёд қилиб юборган. Бирга томоша қилиб қолсак, “телешарҳловчи” бўлиб, воқеаларни менга олдиндан айтиб туради.

- Ҳозир чет эл бадий фильми бошланади. Бир амалаб тузатинг, ялина бошлади 5-синфга қатнайдиган қизим.

- “Ахборот” дан кейин “Балли, қизлар” кўрсатуви бор эди. Эсизгина, кўролмайдиган бўлдик, - гап ташлади хотиним.

Ўзим ҳам ёнбошлаганча чой ичиб, футбол ўйинини томоша қилмоқчи эдим. Афсуски, барча режалар барбод бўлди.

Телевизорни ўчириб ёндиришдан бошқа нарсага ақлим етмас-да, уёқ – буёғини қараган бўлдим. Тепасига, ёнига муштлаб кўрдим. Аммо у оғзига талқон солгандек миқ этмасди.

Ҳаммамизнинг ҳафсаламиз пир бўлиб, телевизор қаршисидан туриб кетдик. Ўғлим боғчада берилган шеърини ёдлади, қизим дарсини тайёрлади, хотиним бир ҳафтадан бери дазмолланмаган кийимларни бир пасда илоннинг оғзидан чиққандек қилиб қўйди. Стол устида ўқилмаган газета-журналлар йиғилиб қолган экан. Дунёнинг у бошидан кириб, бу бошидан чиқдим.

Эртаси куни кечки овқат пайтида яна телевизор можароси бошланди.

- Устага телефон қилдингизми? – сўраб қолди хотиним тўсатдан. Еётган овқатим бўғзимга тикилди.

- Э, кечирасан хотин, иш билан бўлиб бутунлай ёдимдан кўтарилибди.

- Қўйинг, шу ҳам баҳона бўлдимми? Ўзингиз ношудсиз. Мана қўшнимиз Расулжон, уйида дазмол борми, совутгич борми, соатми – хаммасини ўзи тузатади. Сизнинг қўлингиздан ҳеч нарса келмайди.

- Дугонам Нигораларнинг иккита телевизори бор, - гапга аралашди қизим. Кимдир кино кўрса, бошқалари концерт эшитади. Телевизорнинг бири бузилса, иккинчисини томоша қилаверишади.

- Мультфильмни қачон кўрамиз? – дея ҳархаша қила бошлади ўғлим. Эртага тузатишга ваъда бериб, бир амаллаб қутулдим.

Чақирилган уста ҳам икки кундан кейин келди. Телевизорни текшириб кўрди-да, бош чайқади:

- Устахонага олиб борилмаса бўлмайди. Дастгоҳда текшириб кўриш керак. Бир қанча деталлари ишдан чиққан кўринади. У кўзимга авлиёдек кўриниб кетди:

- Жон ука, шуни тезроқ тузатиб бермасангиз бўлмайди. Яқинда халқаро футбол мусобақалари бошланади-я!

- Эҳтиёт қисмлар топилса бўлди. Бир пасда боплаб берамиз.

Уста шундай деб, телевизорни машинага ортиб олиб кетди. Ярим кечагача кино ва концертлар шовқинига тўлиб турадиган хонамиз жим-жит бўлиб қолди. Ҳар овқат пайтида телевизорнинг хувиллаб турган ўрнига кўзимиз тушиб, алланечук бўлиб кетамиз.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, телевизор “иситмаси” биров пасайди. Кечки овқатни еймизу ҳаммамиз ўз ишимизга шўнғиймиз. Баъзи ютуқлар ҳам кўзга ташлана бошлади. Қизим мактабда шеърни яхши ўқиб бергани учун телевизордан чиқадиган гуруҳга кўшиб олинбди. Ўзимнинг диссертациям бир йилдан бери чала ётган эди. Бир ҳафта ичида анча нарсани ёзиб ташладим.

Телевизорсиз ҳаётимизнинг учинчи куни ишлаб ўтирган хонамга хотиним кириб келди:

- Қўшнимиз Анвар ака ўн кундан бери касал ётган эмиш. Бирров кириб, ҳол сўраб чиқинг. Мен боя овқат чиқартириб юборган эдим. Эртага эса ойимларни кўриб келсак. Анча бўлди, ўтолмадик.

- Хўп бўлади, хотинжон, - дедиму кийина бошладим. Секин разм солсам, жуфти ҳалолимнинг чекка сочларига оқ оралабди, пешонасига ажин тушибди. Мактабда болалар билан ишлаш осон дейсизми? Очиғини айтсам, яқин орада у билан бамайлихотир гаплашиб ўтирганимизни эслолмайман. Ишдан қайтиб овқатланамизу “сеҳрли қути”га термуламиз. Ҳаш-паш дегунча ухлайдиган пайт бўлиб қолади. Эрталаб шошилиб турамизу чала-чулпа нонушта қилиб, ишга югурамиз...

Бир ҳафтадан кейин устахонадан хабар олсам, телевизор ҳали ҳам тайёр бўлмабди. Қайсидир детали топилмаётган эмиш. Тез орада олиб келишармиш.

Аста-секин болалар ҳам телевизорни эсламай қўйишди. Қизим бадий китобларни ўқишга киришиб кетди. Кеча менга кундалик дафтарини кўрсатди. Нуқул “4 ва 5”. Синф раҳбари менга хат ёзиб юборибди: “Ҳурматли...! Қизингиз аълочилар сафига кўшилди. Уйда у билан шуғулланаётган бўлсангиз керак. Бундан кейин ҳам бу ишни сусайтирманг.”

Телевизор бузилгандан бери ота-оналардан хабар олдик, театрға тушдик, бир йўлакда туриб танимайдиган бир-иккита қўшнимиз билан танишдик. Диссертациям яқинда муҳокамадан ўтади. Уйимиз ҳам саранжон – саришта. Бу ажойиб ишлар сабабини билганим учун “ишқилиб, уста телевизорни узокроқ тузатсин-да”, дейман. Яна бир муҳим кашфиёт қилдим: самолёту автомобиллар, оғир ишларни енгил қиладиган техникаю телефонлар бўлмаган замонда ота-боболаримиз қандай қилиб оламшумул ихтиролар қилганлиги, асрлар билан баҳслашадиган бинолар қурганлиги, неча жилдлаб нодир асарлар яратганлиги сирини билмасдим. Энди эса биладим: уларнинг телевизори бўлмаган!

ПАРИШОНХОТИРЛИК БАЛОСИ

Хотираси зўр одамларга ҳамиша ҳавасим келади. Улар бундан ўн йил муқаддам биринчи қор қачон ёққанини, қайси куни қандай овқат еганларини, барча танишларининг исму – шарифларини, хуллас, туғилган кунларидан бошлаб рўй берган барча воқеаларни соату дақиқасигача аниқ эслай оладилар. Бундай одамлар билан ўтириб қолсангиз, бас, сизни етти ухлаб тушингизга кирмаган воқеалар, рақам ва далилларга кўмиб ташлашади. Афсуски, мен хотирам билан мақтана олмайман. Аксинча, у туфайли кўп балоларга гирифтор бўлдим. Нега дейсизми? Мана, эшитинг...

Эрталаб ўрнимдан турдим-у, бошим зирқираб оғриётганини пайқадим. Нима бўлдийкин? Кеча кўпроқ ичиб қўйибмизми? Кечаги воқеаларни эслашга ҳаракат қилдим. Аммо хотирамга ҳеч нарса келмади. Пешонамни ушлаб, узоқ ўтирдим. Барибир фойдаси бўлмади.

Тезгина чой ичиб, ишхонага йўл олдим. Эндигина ўтириб, қоғозларни титкилаётган эдим, бошлиғимиз мени чақираётганини айтиб қолишди. “Ҳозир” дедим-у, ишимни давом эттиравердим. Излаётган қоғозни топаман-у, бошлиқнинг олдига кираман, деб ўйладим. Аммо ўйлаган нарсаларимизнинг ҳаммаси ҳам амалга ошавермайди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Хаёл чалғиб, бошлиқ чақирганини бутунлай унутибман. Ярим соатлардан кейин бошлиқ кабинети ёнидаги хонада ўтирадиган ҳисобчи, тили аччиқлиги учун “ари” лақабини олган Салим ака эшик олдида туриб, мени чақирди:

-Ҳа, Неъматвой, сизга алоҳида таклиф керакми? Ёки бошлиқнинг олдига ҳам тахтиравонда олиб борайликми?

Юрагим шув этиб кетди. Ирғиб ўрнимдан турдим-у, бошлиғимизнинг хонасига югурдим.

У киши менга синчковлик билан тикилиб сўрадилар:

-Айтилган вақтида нега келмадингиз?

-Иш билан бўлиб унутибман...

-Унутибман эмиш... Шуям гап бўлдими? Ёш бўлатуриб хотирадан шикоят қилгани уялмайсизми? Ҳозирдан шунақа бўлса, кейинчалик нима бўлади?..

Бошлиғимиз бир оз ваъз-насихатдан кейин иш юзасидан топширик бердилар. Хижолатдан терлаб кетган пешонамни арта-арта жойимга бориб ўтирдим.

Эртаси куни азонда турдим. Бир ишга эртароқ бориб, ўзимнинг кимлигимни кўрсатиб қўймоқчи бўлдим. Автобусда бир-иккита қиз менга қараб илжайиб қўйди. Ўзаро нималарнидир шивирлашди. Хурсанд бўлиб кетдим. “Неъматвой, хали қизларни жалб этадиган кўрку салобатинг бор экан-у, хотирани ўйлаб хафа бўлиб юрибсан-а”, дедим ичимда.

Ишхонага бориб, бир соатларча ҳисобот қоғозларини титкилаб ўтирдим. Кўп ўтмай, ҳамкасблар ҳам келиб қолишди. Улар билан сўрашиш учун ўрнимдан турдим. Шу пайт, Салим ака менга тикилиб:

-Ие, шим муборак бўлсин! Заб ярашибдики, худди ўзи бўлиб кетибсиз!
– деб қолса бўладими.

Шундоқ шимимга қарадиму, рангим оқариб кетди. Эрталаб ним коронғуда хотинимнинг янги шимини кийиб олган эканман. Модадан орқада қолмай деб, энг сўнгги фасонда тиктирган эди. Апил-тапил ташқарига чиқдим, таксида уйга жўнаб қолдим.

Паришонхотирлик маҳаллада, кўча-кўйда ҳам панд бера бошлади. Ўтган куни тўйга бораман деб маракага кириб қолибман. “Тўй муборак бўлсин” деб юборсам бўладими. Сал бўлмаса ўзимнинг ҳам жанозамни ўқиб юборишарди. Тавба қилиб, зўрға қутулдим. Хотиним бўлса, магазин билан бозорга юбормай қўйди. Чунки пиёз ўрнига лавлаги, тарвуз ўрнига қовоқ, қанд ўрнига туз, хуллас, буюрган нарсалари қолиб, бутунлай бошқа нарсаларни олиб келадиган бўлиб қолдим.

Бир куни ўртоқларим кўярда-кўймай футбол кўргани стадионга олиб кетишди. Ўйиндан олдин қизил кийимдагилар ўзимизникилар эканлигини билиб олдим. Ўйин бошланиб кетди. Жуда берилиб кўраётган эканман, дарвозаларнинг бири олдида хавфли вазият юз берди-ю, хужумчининг кучли зарбидан сўнг гол бўлди. Хурсандлигимдан чапак чалиб юбордим. Шу пайт елкамга гурзидек мушт келиб тушди. Ўртоқларим ўртага тушиб ажратишмаганида, билмадим ҳолим не кечар эди. Мен адашиб, рақиб томон тўп киритганида чапак чалган эканман.

Хуллас, аҳвол кундан-кунга ёмонлашиб бораверди. Ўртоқларимнинг маслаҳати билан дўхтирга мурожаат этдим.

-Хўш, қаерингиз оғрийди? – сўради дўхтир кўзойнаги устидан диққат билан тикилиб.

-Соппа-соғман. Аммо хотиранинг мазаси йўқ. Ҳеч нарсани эслаб қололмайман.

-Қачондан буён?

-Нима қачондан буён?

Мен дўхтирнинг кўзойнагига, серажин пешонасига тикилиб туриб, суҳбатимиз нима ҳақида кетаётганини унутган эдим.

Дўхтир бош чайқади-да, бир қоғозга нималарнидир ёзди. Сўнг менга юзланиб, деди:

-Буни склероз, яъни паришонхотирлик, дейдилар. Миянгиз чарчаган. Вақтида унга дам бериш керак. Бундан ташқари, хотирани мустаҳкамлайдиган машқлар бажариш керак.

Шундан сўнг у бир қатор маслаҳатлар берди. Бу маслаҳатлар асосида ўзимни даволашга киришдим. Аввалига дастрўмолимнинг учини тугиб юрдим. Аммо бу ҳам фойда бермади. Зарур вақтда тугуннинг нимага алоқадор эканлигини тополмай қолардим. Кейин барча қилинадиган ишларни қоғозга ёзиб юрадиган бўлдим. Бунинг ҳам нафи бўлмади. Чунки қоғозларни кераксиз деб ташлаб юборар ёки зарурий жойларда ишлатиб қўйганимни билмай қолар эдим. Ниҳоят, бажарилиши лозим бўлган ишлар ёки керакли рақамларни такрорлаб юрадиган бўлдим. Аммо кўчадаги шовқин-сурон мени чалғитарди. Масалан, бир куни 18-уйда турадиган

Ўртоғимникига боришга аҳд қилдим. Кўчада 18 рақамини такрорлаб кетаётган эдим, бир машина ёнимда “ғийқ” этиб тўхтади. Беихтиёр унинг номерига қарадим. 32-34 экан. Шундан сўнг ўртоғимнинг уйини бутунлай ёддан чиқардим...

Нима қилишимни билмай бошим қотди. Таъсирчанроқ бирор чора топиш керак. Ҳар ҳолда тузалишимга умид бор. Чунки ўз уйимни адашмай топиб келяпман. Шунисига ҳам шукур.

ИКИР-ФИКРЛАР

Одам еттига киргунча ердан таёк ейди, етмишга киргунча турмушдан.

* * *

Гўзаллар тасвирий санъат асарига ўхшайди: уларни узоқроқдан томоша қилган маъкул.

* * *

Кулги умрни узайтиради, дейишади. Аммо бу кимнинг устидан кулаётганингизга ҳам боғлиқ.

* * *

Унинг олдида Герострат ип ҳам эшолмайди. Шон—шуҳрат учун у ҳатто бутун оламга ўт қўйишга ҳам тайёр.

* * *

Кўчирмаларга суяниш керак. Афсуски, баъзилар унинг устида ётиб оладилар.

* * *

Юрак қони билан ёзганлигига бировлар шубҳа қилмаслиги учун у доимо қизил қаламда ёзади.

* * *

Осмонга тупурма, қайтиб тушиши бор, ерга тупурма, тойиб йиқиласан.

* * *

Буюклик ёпинчиғи кўпинча нуқсонларни ҳам беркитади.

* * *

Мақтов ароққа ўхшайди: озидан ширакайф бўласан, кўпи бошингни айлантиради.

* * *

Илгари қизларнинг сочи узун, ақли қисқа, дейишарди. Ҳозир эса аксинча: қизларнинг ақли узун, сочи қисқа.

* * *

Унинг сўзлари болдай мазали. Шунинг учун бўлса керак, мияга етиб улгурмасдан ҳазм бўлиб кетади.

* * *

Вақт ҳам кийимдай: улғайган саринг калта келиб қолаверади.

* * *

Ўзбекистонда хизмат кўрсатмаган артист.

* * *

“Дўст бошга қарайди, душман оёққа” деган мақолни ўйлаб кўриш керак. Ахир сартарошларнинг ҳаммаси дўстга, этикдўзлар эса душманга чиқиб кетади-ку.

* * *

У бир неча тилни пухта ўзлаштирган. Айниқса, аёллар тилини яхши билади.

* * *

XVI асрда бир француз таржимонини Афлотун асарларини нотўғри таржима қилгани учун ёқиб юборишган экан. Худо кўрсатмасин, агар шу тартиб ва талаб ҳозир мавжуд бўлганида, биз анчагина таржимонларимиздан ажралиб қолган бўлар эдик.

* * *

Юракка йўл баъзан ошқозондан, гоҳида эса яна ҳам куйироқдан бошланади.

* * *

У ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп татиганман дер экан, коньяк ичиб, шоколадни газак қилганлигини назарда тутар эди.

* * *

Барча тепакаликлар боиси ҳам донолик эмас. Баъзиларига доимий ҳаракатсизликдан куя тушиб кетган.

* * *

Қорин катталашгани сари бош кичрайиб боради.

* * *

Гарчи танқис бўлса ҳам, бировнинг совунига кир ювма.

* * *

Бир ёқадан бош чиқарганда, бир этикка оёқ тикманг.

* * *

Маданиятимиз ошганлигининг белгиси: китоб магазинига ўғри тушибди.

* * *

Пулдан пул туғилади, китобдан китоб.

* * *

Худпараст - бутпараст

“ОҚШОМ” хангомалари

“Тошкент Оқшоми” газетасига атоқли адиб ва журналист Саъдулла Кароматов муҳаррирлик қилган 70- йилларда таҳририятда бир гуруҳ ёш, қобилиятли ёзувчи ва журналистлар меҳнат қилишарди. Мен ҳам 15 йилга яқин ана шу жамоада ишладим. Бу ердаги ҳазил-мутуйибага бой ижодий давралар ҳамиша гавжум бўларди. Газета адабиёт ва санъатга катта ўрин бергани учун маишхур ижодкорлар ҳам тез-тез келиб туришарди.

Қуйидаги хангомалар ўша мулоқотларда тугилган.

ҲОЗИРЖАВОБ ШОИР

Чустий домла ҳафтада, ойда бир келиб, газеталарга шеър тарқатиб кетардилар. Ҳар келганларида албатта бизнинг таҳририятга ҳам кирар, янги ғазалларидан ўқиб берар, яхшиларидан танлаб олиб қолар эдик. Ҳозиржавоблик, бадихагўйлик у кишининг энг ажойиб фазилатларидан эди.

Бир сафар икки-уч марта келиб, мени тополмабдилар. Шунда эшик тирқишига шу рубойни қистириб кетибдилар:

Эшигингиз берку занжир кўрмадим,
Бу муаммо бағрида сир кўрмадим.
Мулла Насриддин укам, сиз қайдасиз,
Икки келдим, лоқал бир кўрмадим.

Бошқа сафар эса бир шогирдларидан анчагина шеър бериб юборибдилар. Уларнинг устидаги қоғозга шу байт битилган эди:

Танлаб олинг даркоринию
қайтаринг бекорини,
Сизга бўлсин гулларию
бизга ташланг хорини.

* * *

Кўп йиллар давомида Чустий шеърларини матбуотда эълон қилиш тақиқлаб қўйилганди. Ана шу маънавий қийноқлар таъсирида бўлса керак, умрининг сўнгги йилларида шоир жиддий хасталанди. Аммо ҳазилкашлик, кувноқ кайфиятни бир дақиқа бўлсин тарк этмади.

Бир куни таҳририятимизга шеър олиб келиб қолдилар. Қарасам юзлари ва лабларининг бир томони тортилиб қолибди.

-Ие, нима бўлди домла, тинчликми? – дедим.

У киши мийиғида кулиб жавоб бердилар:

-Оғзимиз тўғрилигида сўзимиз ўтмади, шеъримизни чиқармадинглар. “Оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойнинг ўғли гапирсин” деган мақолга амал қилиб, оғизни қийшайтириб келдик. Зора сўзимиз ўтса.

* * *

Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йилларда Чустий шеърлари омма орасида кенг тарқалган эди. Ҳазаллари кўшиқ қилиб айтилар, кўпгина байтлари одамларга ёд бўлиб кетганди. Албатта, шоирнинг мухлислари орасида аёллар ҳам кам эмас эди. Табиийки, бу ҳол тирноқ остидан кир кидирувчиларга шоирни айблаш учун баҳона бўлган эди.

Бир куни суҳбат пайтида кимдир Чустийга ҳазиллашди:

-Домла, ўша пайтда ўзингиз ҳам анчагина хотинпараст бўлган экансиз-да!

-Адашаяпсиз, укажон, аксинча, хотинлар чустийпараст бўлиб кетганди, - деди ҳозиржавоблик билан шоир.

“ШОИР БЎЛА ҚОЛСИН...”

“Тошкент оқшоми”да адабиёт ва санъат бўлимини истеъдодли адиб Ўткир Ҳошимов бошқарарди. У пайтда ҳаваскорлар ижоди чоп этиладиган нашрлар кўп эмасди. Одатда ижодкорлар ўз ёзган нарсаларини энг оммабоп нашр бўлган “Оқшом” га олиб келишарди.

Бир куни ёзувчи ҳузурига бир-иккита ўртамиёна шоир ўз асарларига Абдулла Ориповдан сўзбоши, “Оқ йўл” ёздириб келишди. Ўткир Ҳошимов уларни олиб қолди ва ўқиб кўргач, ажабланган ҳолда Абдулла Ориповга телефон қилди. Улар тенгкур бўлганлари учун бир-бирларига ҳазиллашиб, “бўтам” деб мурожаат қилишарди.

- Нима қилаяпсан, бўтам, бўлар-бўлмас нарсаларга сўзбоши ёзаверасанми?
- Қўявер, бўтам, мен ёзган “Оқ йўл” билан шоир бўлишса, бўла қолишсин, - деди Абдулла Орипов табассум билан.

“КЎЧИРМАЧИ”

“Тошкент оқшоми”да ишлаб юрган йиллари Ўткир Ҳошимов учун энг сермахсул ижод йиллари бўлди. У ҳикоялар, ҳажвиялар, публицистик ва одоб – ахлоқ мавзудаги мақолаларни ишхонада ўтириб ҳам ёзар, баъзан тўғридан-тўғри машинкачига айтиб туриб ёздирар эди. Бу ҳикоя ва мақолалар рўзномада турли таҳаллуслар билан чоп этиларди: У. Ҳошимов, У. Бозоров... Айрим ҳикоялар рўзномада чоп этилишидан олдин радио орқали ёзувчи номидан ўқилар эди.

Бир куни таҳририятга номаълум мухлисдан хат келди. Унда Ўткир Ҳошимовнинг яқинда радио орқали ўқилган ҳажвияси тўлалигича, ҳеч

Ўзгаришсиз рўзномада Ў. Ҳамидов номидан чоп этилганлиги айтилган, кўчирмачини жазолаш лозимлиги таъкидланганди.

Муҳаррир ўринбосари С. Ёқубов ёзувчини ҳузурига чақириб, табассум билан унга хатни кўрсатди.

Ўткир аканинг “жаҳли чиқиб” кетди:

- Ў, аблаҳ Ҳамидов-эй, - деди кулиб, - мен унга кўчириш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман.

СОДДАЛИК

Ахборот бўлимига чинакам фидойи журналист Абдулла Пўлатов мудир эди. Бир куни репортаж ёзаётиб, “озар халқи” деган иборани қўллади. Аммо сўнгра иккиланиб қолди-да, Ўткир Ҳошимов ҳузурига кирди.

- Озарбайжон халқини “озар халқи” деб ёзса бўладими, Ўткиржон? – сўради у.

Ёзувчи қувлик билан гап бошлади:

- Ўйлаб гапиряпсизми? Унда бойжон халқи хафа бўлади-ку! Масалан, Будапешт – Буда ва Пешт шаҳарларидан иборат. Ёки Чехословакия – чехлар ва словаклардан ташкил топган. Озарбайжонлар ҳам шундай. Эронда ўн миллион бойжон яшайди. Иложи бўлса, озар ва бойжон халқлари деб алоҳида таъкидлаб ёзинг!

Соддадил Абдулла ака иши кўплигидан гангиброқ тургани учунми, Ўткир ака айтганидек ёзиб қўйиб, бош муҳаррир Саъдулла Кароматовдан роса дакки эшитган эди.

АНТИҚА “ХАБАР” ЛАР

“Оқшом” да иш оғир эди. Шунинг учун бўлса керак, бир-биримизга телефонда ҳазил қилиб, жиндай бўлса-да, асабларни юмшатар эдик. Ўткир Ҳошимов телефонда овозини ўзгартириб гапиришга уста эди. Бир куни Ўткир ака кадрдон дўсти Тўлқин Расуловга қўнғироқ қилди.

- Бу “оқшом”ми? – деди атайин бўғиқ товушда. - Биз ТошМИдан гапиряпмиз. Ахборот керакми?

Ҳар куни “информация” нормасини бажаролмай боши қотиб ўтирган Тўлқин Расуловга жон кирди.

-Керак! – деди шошилиб. – Ҳозир мен қоғоз олиб олай... Айтинг.

- Ёзинг! – деди Ўткир Ҳошимов салобат билан – “Ноёб операция”. Кеча Тошкент Давлат медицина институтининг 2-хирургия клиникасида тарихда мисли кўрилмаган ноёб операция бўлди. Бўка район “Авангард” колхозининг 8-бригадасидан оғир аҳволда келтирилган бемор Боқибоев... дея “диктовка” қилишга тушиб кетди.

Шу тариқа “бемор Боқибоев”нинг ёши, оиласи, меҳнатда эришган ютуқларини айтди. Операцияда иштирок этган ўнга яқин профессорлару доцентлар, ассистентлару дўхтирларни санади. Операция пайтида амалиёт

ўтказган талабалардан қанчаси қатнашгани, бир талаба кўрқиб хушидан кетиб қолганигача айтди.

Тўлқин ака ёзавериб чарчаб кетди шекилли, охири тоқати-тоқ бўлиб сўради:

- Нимани операция қилишди ўзи?

- Нимани бўларди! – деди Ўткир Ҳошимов тамомила жиддий оҳангда. – Бемор Боқибоевнинг ўнг қулоғи бинойидек бўлгану, чап қулоғи ўзидан – ўзи чўзилиб кетаверган. Ўсиб-ўсиб, бир ҳафтада 40 сантиметрга етган. Жарроҳлар унинг 33 сантиметрини кесиб, 8 сантиметрини қолдиришди.

Хонада портлаган қаҳқаҳани телефонда Тўлқин Расулов ҳам эшитди. Зум ўтмай хонага кириб келди.

- Қанақа одамсиз? – деди ўзи ҳам кулиб. – Ёзавериб кўлим чарчаб кетди-ку!

* * *

Бир куни ходимлардан бири ўз мақоласида “Кўр кўрни қоронғуда топибди” деган мақолни ишлатибди. Уни ўқиб қолган Ўткир Ҳошимов Тўлқин Расулов ва Солиҳ Ёқубовни ёнига чақирди. Янги “шумлик” режаси тузилди. Телефон орқали хонага мақола муаллифи чақирилди. Ўткир ака жиддий тарзда гап бошлади:

- Оғайни нима қилиб қўйдингиз? Кўрлар жамиятидан келган делегация бош муҳаррирнинг қабулхонасида ўтирган экан. “Ҳукуматимиз кўзи ожизлар ҳақида катта ғамхўрлик қилаётган бир пайтда бизни ҳақорат қилишга журъат этган журналистни бир кўриб кўяйлик”, дейишди. Биттаси мени танир экан. “Кечиринглар, билмасдан мақолни ноўрин ишлатибди, ўзи яхши йигит, биз унга ўзимиз танбеҳ берамиз”, дедим. Улар барибир бош муҳаррирга кирамиз, деб туриб олишди. Манаву акаларингиз билан бирга бир амаллаб жўнатиб юбордик.

Ранги оқариб кетган ходим қайта-қайта ўз миннатдорчилигини билдирар экан, ишдан кейин ташкил қилган дастурхонида “бундай хато”ни бошқа такрорламасликка сўз берди.

* * *

“Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” рўзномалари янги ташкил этилган кезларда рус тилидаги ахборот бўлимига В. Никишин мудирлик қиларди. Бу иқтидорли, ҳозиржавоб журналист ҳар куни рўзноманинг биринчи саҳифаси учун зарур бўлган ўнлаб хилма-хил янги хабарлар топарди. Кўпинча уларни телефон орқали олишга тўғри келарди.

Бир куни ҳамкасбларидан бири ҳазиллашмоқчи бўлиб, кўшни хонадан унга телефон қилди:

- Бу ўртоқ Никишинми? Сизга бир янги хабарни билдирмоқчи эдим.

- Жуда соз. Қаердан гапиряпсиз?

- Ҳайвонот боғидан.

- Шунақами, кайси қафасдан?
Телефон қилган киши журналистнинг ҳозиржавоблигидан завқланиб,
кулиб юборди.

“ КИМГА ЎХШАЙДИ ”

Ҳамкасб дўстлар билан ошхонада овқатланиб ўтирардик.
Ҳамроҳлардан бири нарироқда овқат еяётган одамни кўрсатиб, сўради:

- Қани, айтинглар-чи, шу одам кимга ўхшайди?

Бири у деди, бири бу деди. Ҳеч ким тўғри тополмагач, ўзи жавоб берди:

-Жорж Маршенинг ёшлигига ўхшайди.

Ўткир Ҳошимов берилган савол ва жавобнинг воқеликдан йироқлигини кулги остига олмоқчи бўлди шекилли, нарироқда ўтирган бошқа бир кишини кўрсатиб, сўради:

-Анави одам кимга ўхшайди?

Ҳеч ким жавоб тополмагач, ўзи деди:

- Конан Дойлнинг “Баскервиллар ити” асари қаҳрамони холасининг ўғлининг қайнисига ўхшайди.

Гурр кулги кўтарилди.

ЁЗУВЧИНИНГ ДАСТХАТИ

Ўткир Ҳошимов ўз шахсий машинасини ҳайдаб келаётган эди.
Қайсидир чорраҳада уни йўл миришаби хуштагини чуриллатиб тўхтатди.

Бу борада тажрибаси ошиб қолган ёзувчи дарров машинасини тўхтатиб, ғаладонни ковлай бошлади. Одатда янги чиққан китобларидан бир нечасини шу мақсадда олиб юрарди.

- Салом, ўртоқ инспектор, кечирасиз, фамилиянгиз нимаиди? – деди машинадан тушаркан, кўлидаги китобга дастхат ёзишга ҳозирланиб.

-Ие, Ўткир ака, сизмисиз? – деди миришаб мийиғида жилмайиб, - бу китобингизга олдин дастхат ёзиб бергандингиз-ку!

-Шунақами, - бўш келмади ёзувчи, - унда янги китобим чиқишини кутишингизга тўғри келади. Унгача овора бўлиб тўхтатиб юрманг.

ОЛИНГ ЁЗУВЧИЛИГИНГИЗНИ

Бир гуруҳ адиб ва олимлар поездда Кўконга борадиган бўлишди. Вагон одатдагидек гавжум. Бунақа пайтда таниқли шахслар билан “қўл бериб кўришгани” учун фахрланадиган мухлислар кўп бўлади. Бу сафар ҳам Ўткир Ҳошимовнинг “шу ерда” кетаётгани тезда бутун вагонга овоза бўлди. Сал ўтмай тўладан келган, содда одамлиги кўриниб турган бир йигит ийманиброк купега кириб келди. Салом берди.

-Ўткир ака шу ердамилар? - деб сўради.

Ўткир Ҳошимов “шумлик” билан кўз қисиб кўйди-да, дераза олдида ўтирган олим Малик Муродовни кўрсатди.

-Шу ердлар. Мана шу киши Ўткир акангиз бўладилар.

Мухлис йигит Малик Муродов билан кўшқўллаб сўрашди.

-Тўлишибсизми, домла? – деди иккиланиброк.

-Яқинда курортдан келдилар, - деди Ўткир ака “тушунтириб”. Пайтдан фойдаланиб, юқори ўриндиққа чиқиб олди-да, бемалол пинакка кетди.

Мухлис йигит Ўткир Ҳошимовнинг ҳамма китобларини ўқиган экан. Малик Муродовни саволга тугавериб, энка-тенкасини чиқариб юборди. Бу ҳам етмагандек, ёзувчининг қаерда ишлаши, таржимаи ҳоли, оила аъзолари, қанча қалам ҳақи олгани ва ҳоказолар ҳақида ҳам савол-жавоблар бўлиб ўтди. Ярим кеча бўлса ҳамки, саволлар тугамасди. Охири тоқати тоқ бўлган Малик Муродов ўрнидан ирғиб турди:

-Ҳой, Ўткиржон, жон дўстим, турунг ўрнингиздан, олинг ёзувчилигингизни! Мен ҳам бир оз мизғиб олай.

“КОНГО ШОИРИ”

“Оқшомда”да “XX аср овози” деган саҳифа бўларди. Ҳар ойда бир марта чоп этиладиган бу саҳифада жаҳон тараққийпарвар адабиётидан намуналар эълон қилинарди. Албатта унда кўпгина шоир ва ёзувчилар ўз таржималари билан қатнашардилар.

Бир куни Машраб Бобоев хонамизга кириб келди.

- Конголик машхур шоирнинг шеърини таржима қилдим, - деди у, - саҳифангизни жуда очади.

Чиндан ҳам Африка поэзиясига хос эркин вазнда битилган бу шеърда овозлик учун кураш, эрк ва мустақиллик улуғланганди.

Орадан кўп ўтмай шеър газетада босилди. Бир неча кундан кейин Машраб аканинг ўзи келди. Хонада ёлғиз қолишимизни кутиб турди-да, жилмайиб секин гап бошлади:

-Шеър учун конголик шоирдан сизга катта раҳмат. Аммо бир нарсани айтиб кўяй. Аслида бундай конголик шоир йўқ. Шеърни шахсан ўзим ёзганман.

-Ие, ўлманг. Боплабсиз-ку! Энди иккаламиздан бошқа ҳеч ким билмасин. Балого қоламиз-а, -дедим.

Шунга келишдик. Аммо ҳар сафар учрашганимизда “Қалайсиз, конголик шоир” деб кўярдим. Иккаламиз ҳам кула бошлар, атрофдагилар эса бунинг сирини билолмай хайрон эдилар.

БИР БАЙТ БАҲОНАСИДА

Кекса олим, шарқ тиллари билимдони, раҳматли Шорасул Зуннун кўп йиллар давомида республиканинг вақтли матбуотида фаол қатнашиб келди. У кишининг “Оз-оз ўрганиб, доно бўлур”, “Ибратли ҳикоятлар”,

“Фарзандларга насихат” рукнлари остида эълон қилган қайдлари ҳамиша катта қизиқиш билан ўқиларди.

70-йилларда домла “Тошкент оқшоми” газетаси тахрририятига мунтазам келиб турардилар. Шарқшунослик институтида ишлаш жараёнида турк, форс ва араб тилларидаги қадимий кўлёмалардан қизиқарли жойларини ўзбекчага ўгириб, газетада чоп этишга тавсия қилардилар. Ўзаро суҳбатларимиз кўпроқ адабий мерос, тасаввуф, бадий санъатлар ҳақида бўларди.

Бир куни тушга яқин хонамизга хушнуд кайфиятда кириб келдилар.

-Мулла Насриддин, - дедилар одат бўйича танглайларини такиллашиб, - сиз тасаввуфга қизиқасиз-а? Мавлоно Жомийдан сизга бир байт ёзиб келдим. Мана, ўзингиз ўқиб кўринг.

Шундай деб, бир варақ қоғозга ўзлари араб алифбосида хуснихат билан ёзган матнни менга тутқаздилар. Унда ушбу байт битилган эди:

Нусхае ошифтае девони умри мо мапурс,
Хат ғалат, имло ғалат, иншо ғалат, маъно ғалат.

Бу байтнинг чуқур мазмуни мени сеҳрлаб қўйди. Унинг таржимаси ўзидан қуюлиб келди:

Умримиз девонининг ошифта ҳолин сўрмаким,
Хат хато, имло хато, иншо хато, маъно хато.

Бир оздан кейин хонага Ўткир Ҳошимов кирди. У ҳам байтнинг ниҳоятда гўзаллигига қойил қолди. Бир-икки такрорлаб, ёдлаб олди.

Орадан бир неча кун ўтгач, Ўткир Ҳошимов Ёзувчилар уюшмасидаги йиғилишда ҳалиги байтни қайсидир китобнинг ички муқовасига ёзиб, Абдулла Ориповга узатибди. У ҳам байтни ўқибди-да, мийиғида кулиб, нималарнидир ёза бошлабди. Шу тариқа ҳазил - мушоира бошланиб кетибди. Абдулла Орипов шундай сатрлар ёзган эди:

Мен сабабми, ул сабаб – ҳеч бир юришмайдир ишим,
Ё ўзим расво эрурман, ё эса расво хато.

Навбат Шукур Холмирзаевга келибди. У ҳам ёзилган байтларни ўқиб, шундай сатрларни битибди:

Дўстларимнинг сўзларидан, бас, бугун бўлди аён,
Ёки осий бандалармиз, ёки бу дунё хато.

Китоб Ўткир Ҳошимовга қайтади. У мушоирани давом эттиради:

Беайб парвардигор деб, бердилар фатво, вале
Ҳар нафас солди бошимга шунчалар ғавфо хато.

Эртаси куни мушоирани ўқиб, биров кулишдик. Мен уни яхлит ғазал ҳолига келтириш ниятим борлигини айтдим. Лекин китоб ўша кунлари йўқолиб қолди.

Орадан бир неча йил ўтди. Бир куни ўша мушоирани эсладик. Ўтқир Ҳошимовдан китобни излаб кўришни илтимос қилдим. Чиндан ҳам бу китоб жавоннинг бир чеккасида ётган экан. Мен узоқ йиллар кўрмаган эски танишини учратиб қолган кишидек қувониб кетдим. Бир неча соатлик уринишдан сўнг мушоира яхлит ғазал шаклига кирди. Биринчи, иккинчи ва охирига байтларни мен ёздим. Албатта Жомий байтидаги жиддий, орифона фикр ҳазил-мутойиба йўналишига буриб юборилди. Шу тариқа қуйидаги “ҳашар ғазал” дунёга келди:

Айбимиздан этгай огоҳ, барчага ошно хато,
Қолмагай ҳеч ерда пинҳон, булбули гўё хато.

Ҳар қадамда мен билан у, ҳар бир ишда менга ёр,
Ажрамасмиз, мисли мен Тохирману Зухро – хато.

Беайб парвардигор деб, бердилар фатво, вале –
Ҳар нафас солди бошимга шунчалар ғавғо хато.

Мен сабабми, ул сабаб – ҳеч бир юришмайдир ишим,
Ё ўзим расво эрурман, ё эса расво хато.

Дўстларимнинг сўзларидан, бас, бугун бўлди аён:
Ёки осий бандалармиз, ёки бу дунё хато.

Умримиз девонининг ошифта ҳолин сўрмаким,
Хат хато, имло хато, иншо хато, маъно хато.

Носиро, сен бу жаҳонда бехато иш излама,
Қайда инсон бўлса мавжуд, шундадур пайдо хато.

Кунлардан бир кун...

“МУҲРИНИ БОСА ҚОЛСИН...”

Устоз Абдулла Қаҳҳорни бир куни телевидение кўрсатувига таклиф қилишибди. Уни кутиб олган ёшгина муҳаррир ийманибгина сўрабди:

- Домла, фикрларингизни қоғозга тушириб келдингизми?
- Йўқ, шундай гапиравераман.
- Домла, биласиз-ку, гапингиз матнини бир кўрсатиб олишимиз керак...
- Чақирақол ўша цензорингни, муҳрини лунжимга босақолсин, - дебди адиб жиддийлик билан.

“ЎЛГАН НОШИР”

Саид Аҳмаднинг бир мансабдор ношир ўртоғи бор эди. Бир куни улфатлари билан чойхонада ўтирган ёзувчи ана шу ўртоғининг вафот этганини ҳаммага маълум қилди.

- Ие, кечагина юрган эди-ку, - дейишди атрофдагилар хайрон бўлиб.
 - Юрса юргандир, аммо ўлгани аниқ, - деди ёзувчи ҳам бўш келмай.
- Эртаси куни нашриётда иттифоқан ўша ўртоғи билан юзма-юз келиб қолди.
- Ҳой, менга қара, - деди у ёзувчини тўхтатиб, - нега ҳаммага мени ўлди деб гап тарқатдинг.
 - Ҳа, ёлғонми? Хўш ўзинг айт, бундан бир йил бурун “агар мен тирик турсам, китобинг йилнинг охиригача чиқади” демаганмидинг? Янги йил бошланганига ҳам анча бўлди, аммо китобим чиқмади. Демак сен ўлган бўлсанг керак, деб ўйладим.

Ношир лом-мим деёлмай қолди.

СУРАТИ ЯХШИ ЧИҚИБДИ

Ўртамиёна шоирлардан бирининг шеърлари Москвада чоп этиладиган журналлардан бирида машҳур авар шоири Расул Ҳамзатов шеърлари билан бир сонда эълон қилинибди. Иттифоқан, ўша кезларда улар учрашиб қолишибди. Ҳалиги шоир мақтанчоқлик билан Ҳамзатовга дебди:

- Расул оға, иккаламизнинг шеърларимиз бир сонда эълон қилинибди. Ўқидим, шеърларингиз жуда зўр чиқибди.
- Ҳа, ҳа, - дебди Р.Ҳамзатовнинг энсаси қотиб, - мен ҳам шеърларингизни ўқидим. Суратингиз жуда ажойиб чиқибди.

ОТДЕК СОҒЛОМ

Нўноқ ёш шоирлардан бири Мақсуд Шайхзодадан сўраб қолибди:

- Домла, одатда шоирлар нимжон, касалванд бўлади, дейишади, шу гап тўғрими?
- Ҳа, шунақа дейишади. Лекин сиз хавотирланмасангиз ҳам бўлади. Отдек соппа-соғсиз, - дебди Шайхзода домла табассум билан.

МАДҲИЯ ШАРОФАТИ

Мустақилликнинг илк йилида давлат мадҳияси учун конкурс эълон қилинган эди. Унда машҳур бастакор Мутал Бурхонов мусиқаси ва Абдулла Орипов сўзи қолиб деб топилди. Мадрҳия мусиқаси ва матни Олий Мажлисида тасдиқланадиган бўлди. Ўша куни мадрҳия ижро этилди. Ҳамма оёққа турди. Абдулла Орипов секингина Мутал акага шивирлади:

- Устоз, энди ўзимиз ҳам тик тураимиз-да!
- Ўзимиз майлику-я, мадрҳия ижро этилганда ҳатто рақибларимиз ҳам оёққа туришга мажбур эканлигидан хурсандман, - деди атоқли бастакор мийиғида қулиб .

ПАРОДИЯЛАР УСТАСИ

Истеъдодли шоир Турсунбой Адашбоев ўтган асрнинг 70-йилларида ўткир пародиячи сифатида ҳам танилган эди. Ўш шаҳрида яшаса-да, асарлари Ўзбекистон матбуотида тез-тез босилиб турарди. Ҳатто таниқли шоирлар ҳам унинг ҳажвига дучор бўлишдан чўчир эдилар. Бир воқеа сабаб бўлиб, эндигина адабиётга кириб келаётган камина ҳам у кишининг “эътиборларига” сазовор бўлдик.

Мени 1967 йили Миллий университетдан Ашхабод шаҳрига, талабалар илмий конференциясига юборишди. Мезбонлар бизга атрофдаги гўзал манзарали жойларни, тоғдаги ажойиб Феруза оромгоҳини кўрсатишди. Ўша таассуротлар асосида бир неча шеърлар ёзиб келган эдим. Бу шеърларимдан биттаси “Копетдоғда бир оҳу кўрдим...” сарлавҳаси билан “Ўзбекистон маданияти” (ҳозирги “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”) газетасида эълон қилинди. Тасодифни қарангки, ўша саҳифада раҳматли Шамси Одилнинг ҳам “Оҳу кўрдим мен Водилда” деб бошланадиган шеъри босилган экан. Бу албатта тайёр пародиябоп мавзу эди. Орадан кўп ўтмай, “Шарқ юлдузи” журналида Турсунбой Адашбоевнинг қуйидаги пародияси эълон қилинди:

Ўша оҳу Ўшга келиб,
Тушга қадар юрди боғда.
У Водилга ўтмай туриб,

Бўлган экан Копетдоғда.
Сўнг Помирга қараб кетди,
Шеър ёзолмай қолдик доғда.
Ҳозир ўтлаб юрса керак
Термиз ёки Яккабоғда...

БИР “ҚОРХАТ” ТАРИХИ

Биринчи қорнинг завқ-сурури ўзгача бўлади. “Қорхат” ёзиш анъанаси ҳам қут-барақа, беғуборлик тимсоли бўлмиш биринчи қор завқи билан узвий боғлиқ. Фафур Ғулом, Собир Абдулла каби мумтоз шоирларимиз қорхатнинг ажойиб намуналарини ёзиб қолдиришган.

2001 йилнинг биринчи қорини ёзувчиларнинг Юнусободдаги 4-қаватли уйида кутиб олдик. Тасодифан қўшнилар – таниқли қалам соҳиблари Ортиқбой Абдуллаев ва Шодмон Отабек билан учрашиб қолдим. Гапдан гап чиқиб, “Афанди” газетасининг ўша пайтдаги муҳаррири, таниқли адиб ва журналист Ашурали Жўраевга “Қорхат” ёзмоқчи бўлдик. Навбатдаги дилкаш суҳбатга асос бўлган қуйидаги бадеҳа шеърий хат болалардан бири орқали адресатга етказилди:

Қорхат

Ушбу мактуб Сизга бир Қорхат эрур,
Сизга ташвиш, биз учун роҳат эрур.
Қор ёғиб, парқуга бурканди замин,
Янги ҳосил олдидан олмоқда тин.
Бундайин айёмда оқшом файзи бор,
Жам бўлиб, суҳбат қилайлик беғубор.
Бизга шатранж, бир пиёла чой етар,
Гар майи ноб ўлса, ул кўнгил очар.
Гар саховат қилсангиз, бўлгай палов,
Меҳримиз тафтини қилгаймиз олов.
Ош – баҳона, дўст дийдори азиз,
Ўртага қўшманг вале бегона сиз.
“Улфати чор” да демишлар маза бор,
Бу қадим ҳикматни айланг ихтиёр.
Сиз ахир “Домком” эрурсиз – уй беги,
Сўнгра айтинг базмда кимнинг чеки.
Давра айлансин қадахдек тўхтамай,
Майли бўлсин гоҳи чойу гоҳи май.
Гоҳида тинглаб майин созу наво,
Дил қуши илҳом билан этсин ҳаво.
Хулласи, қор базми бўлсин бардавом,
Даъватингизни кутурмиз субҳу шом.
Ортиқ Абдулла гувоҳдир оғадек,
Ёзди Носир бирла Шодмон Отабек.

Мундарижа

Ҳажвий шеърлар

1. Шайтоннинг истеъфономаси
2. Шоир дўстларимга
3. Ном ва шеър
4. Навқирон ёшда у...
5. Бевақт мансаб
6. Бир гўзалга
7. Чумчуқча (масал)
8. Қушлар баҳси (масал)
9. Агар ёшим сўрсалар (ҳазил)
10. Соқол (ҳазил)
11. Қайсар хотин (А.Мицкевичдан)
12. Чўчка (А.Криловдан)
13. Шоирнинг илтимоси (Ҳ.Ҳайнедан)
14. Ҳажвий портретлар
15. Икир-фикрлар

Кулги ҳикоялар, ҳаётий латифалар, икир-фикрлар

16. Бахтли воқеа
17. Паришонхотирлик балоси
18. “Оқшом” ҳангомалари
19. Кунлардан бир кун...